
Қурилишлар қонуний бўлсин.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини, кўзни қувнатувчи янгидан-янги замонавий бино ва иншоотларни қўриб кишининг ҳаваси келади. Бир-биридан чиройли ва бежирим бинолар давримизга, турмушимизга мослигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва вилоят ҳокимининг 2009 йил 27 февраль кунги 41-сонли «Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинди. Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари қурилишларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида талай ишларни амалга оширмоқдалар. Ноқонуний, ёнғин хавфсизлиги талабларига зид равишда ўзбошимчалик билан қурилган биноларни аниқлаш ва уларга нисбатан чоралар кўриш шу ишлар жумласидандир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ёнғинларнинг олдини олиш нафақат фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш хизмати ходимларининг, балки барчанинг бурчидир. Қурилишлардаги лоқайдлик, ўзбилармонликларга чек қўйилмас экан, бу ҳолатлар кун келиб ёнғинлар келиб чиқиши оқибатида моддий зарар билан биргаликда инсонлар ҳаётига ҳам зомин бўлиши мумкинлигини унутмаслик даркор. Ўйлаймизки, фуқароларимиз бу борадаги ишлардан тегишли хулосалар чиқаришади.

И. МАҲМУДОВ,

туман ФВБ бошлиғи.

Н. МАЛИКОВ,

туман ФВБ НТБ

бошлиғи, катта лейтенант.

2020-05-27 10:13:45